



ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЙ И РАЗВИТИЯ

THE JOURNAL OF RESEARCH AND DEVELOPMENT

ТАДҚИҚОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖУРНАЛИ

ISSN: 3030-3281. Volume I, Issue-12, (December) 2024
Journal homepage: <https://imfaktor.com/index.php/tjrd>

БОБОУМАРОВА Мунира Курбановна
*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистранти*

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва моҳияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, ўрганиб чиқилган ва тизим салоҳиятини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, прокуратура органлари, таълим муассасалари, превентив чоралар, халқаро стандарт, норматив-ҳуқуқий қоидалар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье с научно-теоретической точки зрения анализируются и исследуются понятие и сущность прокурорского контроля за исполнением законодательства в образовательных учреждениях, а также разрабатываются предложения, направленные на повышение потенциала системы.

Ключевые слова: прокурорский надзор, прокуратура, образовательные учреждения, меры профилактики, международный стандарт, правовые нормы.

ANNOTATION

This article analyzes and examines from a scientific and theoretical point of view the concept and essence of prosecutorial control over the implementation of legislation in educational institutions, and also develops proposals aimed at increasing the potential of the system.

Keywords: prosecutor's supervision, prosecutor's office, educational institutions, preventive measures, international standard, legal regulations.

Прокурор назорати жамиятнинг турли соҳаларида, жумладан, таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Жумладан, улар қонуний меъёрларга риоя этилишини назорат қилиш орқали ўқувчи ёшлар, ўқитувчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва шу билан бирга хавфсиз ҳамда қонуний таълим муҳитини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилда тасдиқланган “Прокуратура тўғрисида”ги 257-П-сонли Қонуни 2-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги кўрсатилган.

Мазкур моддадан келиб чиқиб, прокурор назорати деганда ҳуқуқий нормаларнинг тўғри бажарилиши ва уларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида прокурорлар томонидан олиб бориладиган назорат шакллари тушунишимиз мумкин.

Таълим соҳасида ушбу назорат таълим муассасалари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилишга қаратилган. Прокурорлар мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида таълим, инсон ҳуқуқлари, меҳнат ва хавфсизлик стандартларига оид миллий қонунларга риоя қилишини текшириб, ҳолис назоратчи сифатида ишлайди.

Таълим соҳасидаги прокурор назорати доираси бир нечта асосий йўналишларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчи-талабаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: таълим олишдан тенг фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш, камситилмаслик ва суиистеъмоллик ёки бепарволикдан ҳимоя қилиш.

2. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиш: ўқитувчилар ва ходимларга адолатли муносабатда бўлиш, шу жумладан тегишли шартномалар, иш ҳақи ва меҳнат шароитларини назорат қилиш.

3. Хавфсизлик стандартларига риоя қилиш: ўқувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун таълим муассасаларининг соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик қоидаларига жавоб беришини таъминлаш.

4. Таълим стандартларига риоя этилиши устидан назорат: муассасалар белгиланган академик ўқув дастурларига риоя қилишини назорат қилиш ва таълим сифатини қўллаб-қувватлаш.

Ўрганишлар шунини кўрсатадики, таълим муассасалари ўқувчилари ва педагоглариининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, соҳада вужудга келаётган коррупциявий хавфларни бартараф этиш, олдини олиш ва ўз вақтида прокурор назорат таъсири чораларини қўллаш, таълим тизими самарадорлигини ошириш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги прокуратура органларининг асосий фаолиятларидан бири бу прокурор назоратидир. Б.Х.Пўлатовга кўра, “Прокурорлик назоратининг бу йўналишдаги аҳамияти мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани билан белгиланади [1]”.

Юқоридаги билдирилган фикрларга асосан, назорат таълим муассасаларининг мустақиллигини чеклашга эмас, балки уларнинг ўз таълим фаолияти ва миссиясини бажараётиб, қонун доирасида фаолият юритишини таъминлашга қаратилган фаолият шакллари ҳисобланади.

Шу ўринда, мазкур фаолият шакллариини ўзига хос хусусиятларини бирма-бир санаб ўтиш жоиз.

Жумладан:

1. Прокурор ваколатининг ихтиёрийлиги – бу прокурорларнинг ўз ваколатлари доирасидаги ишларни ҳал этиш билан боғлиқ ихтиёрийлик фаолиятидир. Бунда у агар қонуний асослар етарли деб топса айблов қўйиш ёки қўймаслик, қайси айбловларни қўйиш ва ишни қандай давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилишда эга бўлган эркинлик ва мослашувчанликни билдиради.

2. Судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш – прокурорлар далиллар ва амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноий иш кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

3. Назорат – вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилиш ваколати.

4. Қонунлар ижросини текшириш – қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган фаолият.

Худди шу маънода прокурорлар таълим муассасаларининг таълим тўғрисидаги миллий қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини кафолатловчи механизм бўлиб хизмат қилади. Бунда таълим олишда тенг имкониятларни таъминлаш, мавжуд инфратузилмага зарар етказилишини олдини олиш, таълим режаларининг ўз вақтида, мақсадли амалга оширилишини рўёбга чиқариш, алоҳида эҳтиёжли болалар ҳуқуқларини кафолатлаш, камситишнинг олдини олиш, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим сифати бузилишига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар ва коррупциявий ҳолатларни аниқлаш ва ўз вақтида уларга барҳам бериш киради.

Прокурорлар мунтазам текширувлар ва бошқа назорат тадбирларини ўтказиш орқали мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлашлари ва таълим тизимининг яхлитлигини таъминлаш учун тузатиш чораларини кўришлари мумкин.

Умумий маънода барча таърифлар юқорида келтириб ўтилган элементлар билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олган ҳолда соҳа олимларининг мазкур тушунчага берган таърифлари бир-бириникидан қисман фарқ қилишини кўриб ўтамиз.

Хусусан, Б.Х.Пўлатов “прокурор назорати-давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда”, деб баён қилган.

А.Ж. Девис, таниқли ҳуқуқшунос олим ва профессор бўлиб, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ бўйича кўплаб асарларнинг муаллифи ҳисобланади. Девис ўзининг “**Адолатли судловдаги ўзбошимчаликлар: Америка прокурорининг кучи**” китобида прокурорларнинг кенг ихтиёрий ваколатларини жиноий адлия тизимидаги адолат, жавобгарликка таъсир кўрсатувчи, қонунийликни таъминлашдаги куч сифатида келтириб, прокурор қарорларини қабул қилишда масъулият ва шаффофликни оширишга чақиради.

М.Х.Рустамбаев фикрича, “**прокурор назорати** давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахс-прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини уз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолияти” тушунилади.

Маъно жиҳатдан бир хил бўлган тарифни Б.В.Коробейников ҳам бериб ўтган унга кўра, “**прокурор назорати-давлат фаолиятининг алоҳида мустақил ўзига хос тури бўлиб, уни прокуратура органларидан бошқа бирон бир давлат, жамоат идоралари, ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахслар амалга ошира олмайдилар**”.

Бу борада, юртимизнинг ёш олимларидан Д.Ш.Ибрагимовга кўра, “прокурор назорати бу прокуратура органларининг қонунларда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат идораларидан мустақил равишда амалга оширадиган, қонунларнинг аниқ ва бир хилда амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, унга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни профилактика қилишга қаратилган фаолиятдир”, деган фикрлари орқали прокурор назорати давлатнинг мустақил назорат фаолияти эканлиги, Шунингдек прокурор ўзининг назорат фаолиятини давлат номидан амалга оширилиши тўғрисида фикрлар келтирилган.

Ваҳоланки, бош қомусимизда келтирилган “Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин”, деган қоидаларни инобатга олган назорат функциясини давлат номидан амалга ошириш тўғрисидаги қарашларга қўшилмаган ҳолда, прокурор назорати тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз жоиз.

Прокурор назорати - мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган, шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя қиладиган, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадини кўзловчи, махсус ваколат ва мухтор мақомга эга бўлган прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Бу ерда, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат функциясининг пировард мақсади қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, прокурор назорати тушунчасига Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев ва Д.Ш.Ибрагимовларнинг таърифларида келтирилган қонунларга амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш қисми тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Прокурор назоратининг умумий тушунчасидан келиб чиққан ҳолда муаллифлик таърифини берадиган бўлсак, **таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати** - прокуратура органларининг Конституция ва қонун билан берилган ваколатлар доирасида давлат идораларидан мустақил равишда амалга оширадиган, таълим соҳасида қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш ҳамда соҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш фаолиятидир.

Тадқиқ қилиш натижаларига кўра, таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати **тушунчаси**, унинг **предмети** ва **объекти** ҳақида турли хил илмий-назарий қарашлар мавжуд бўлиб, бу борада яқдил асосли хулосага келиш, мазкур соҳада прокурор назоратининг мазмун-моҳиятини англаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, “**таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати, прокурор назоратининг мустақил устувор йўналиши бўлиб, прокуратура органларининг махсус ваколатли бўлимлари томонидан Конституция ва қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, талаба ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан комплекс текширувларни амалга оширувчи фаолиятдир**” [2], дея таъкидлашган

Таъкидлаш жоизки, таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати прокуратура органларининг асосий соҳаларидан бири бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасида белгиланган прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қайд этилмаган.

Шундай бўлса-да, бизнинг назаримизда, прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назорат предмети доирасида таълим муассасалари ўқувчилари ва ўқувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш фаолияти орқали амалга оширилади.

Бизнинг фикр-мулоҳазаларимизни Россия Федерациясининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида етакчи олимлардан бири ҳисобланган С.А.Арутюнян томонидан ҳам эътироф этилган бўлиб, унинг фикрича, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида ҳам ўзининг мустақил мазмун-моҳиятини топмаган, унинг предмети эса қонунлар ижроси устидан умумий назорат ёки инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан назорат доирасида кўриб чиқилади” [3].

Ушбу фикрлардан фарқли равишда А.Ю.Винокуров, “Сўнги йилларда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда биринчидан, назорат фаолияти предмети, иккинчидан, прокурорнинг назоратни амалга оширишдаги ваколатларини белгилаб берадиган тузатувчи нормалар киритилмаганлигини [4]” қайд этади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг **предметини** аниқлаш зарурати вужудга келмоқда, назаримизда. Зеро, прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги бевосита назорат йўналиши предметининг бир хилда тушунилиши билан ўзаро боғлиқдир.

Фикримизча, мазкур назорат йўналишини прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш унинг предметини аниқ ажратиш кўрсатиш имконини беради.

Бу борада, Ф.Рахимовнинг **“Прокурор назоратининг амалда мавжуд соҳалари ва ҳар бир соҳанинг илмий адабиётлардаги назарий-амалий талқини мазмун ва моҳиятга кўра унинг бир бутун яхлитлигини инкор қилмайди. Соҳанинг ҳар бир таркиби қонунда белгиланган уз назорат предметига, прокурорнинг айнан шу соҳа назорати билан боғлиқ ваколатлари кўламига эга бўлишса-да, лекин уларнинг ҳар бири ва барчасининг яхлит умумлашмаси моҳияти бутун прокуратура тизими учун хос бўлмиш ягона мақсаддан, прокуратура фаолияти ҳуқуқий базасининг айнан бир хиллигидан келиб чиқади”** [5], деб билдирган қарашлари ўринлидир.

Дарҳақиқат, мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда вояга етмаганлар соҳасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормаларга мувофиқ таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати прокуратура органларининг алоҳида мустақил институти сифатида бир қанча йўналишлар (*таълими, ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олиш, қаровсиз, етим болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва.ҳ.к.*)га эга бўлиб, бу унинг предмети билан фарқланади.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий ғояларини таҳлил этган ҳолда таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг предметига Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасида белгиланган нормалар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик.

Хусусан, **таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг предмети-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан таълим муассасалари фаолиятига доир қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини назорат қилиш эканлиги ҳақидаги муаллифлик таърифини беришни лозим деб топдик.**

Прокурор назорати назариясида прокурор назорати объекти деганда, энг аввало, прокурор назорати функциялари амалга ошириладиган муассаса ва ташкилотлар тушинилади [6].

Юридик адабиётлар ва илмий манбаларни ўрганиш асосида Қайд этиш лозимки, бир катор ҳуқуқшунос олимлар прокурор назоратининг объекти ҳақида бир хил нуктаи назардан ёндашганликларини кўришимиз мумкин. Хусусан, С.Л.Алексеев ва Н.Р.Вотчель [7] “**Объект** деганда қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор текширувлари ўтказиладиган корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа органлар тушинилиши керак” деб фикр билдиришган.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасаларида қонунчиликнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг объектини “Прокуратура тўғрисида” жжги Қонунда белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, **соҳадаги прокурор назоратининг объекти** прокуратура органлари томонидан назорат қилинадиган фаолияти бевосита таълим муассасалари билан боғлиқ бўлган вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пўлатов Б.Х. Вояга етмаганларга оид миллий қонунчилик тизими, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг мақсад ва вазифалари//Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари тўплам. – Т., 2008. – Б.108.
2. Арутюнян А.С. Прокурорский надзор за исполнением законодательство о несовершеннолетних (проблемы теории и практики). Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва. 2012. – С. 50.
3. Арутюнян А.С. Прокурорский надзор за исполнением законов о несовершеннолетних (проблемы теории и практики) Дисс. .канд. юрид. наук. – М.: 2012. – С. 53.
4. Винокуров А.Ю. Прокурорская деятельность: понятие и содержание // Актуальные проблемы прокурорской деятельности: курс лекций. Вып. 3 / под ред. О.С. Капинус; [К.И. Амирбеков и др.; рук.авт. коллектива А.Ю. Винокуров]; Акад. Ген.прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2017. – С. 16.
5. Ф.Х.Рахимов. Прокурор назорати ва унинг йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий тахрири остида. – Т.:“Ношир” нашриёти, 2008. – Б. 88.
6. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул муҳаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқа. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 148-149.
7. Алексеев С.Л., Вотчель Н.Р. / Прокурорский надзор: Учебное пособие / под редакцией Ф.Н.Багаутдинова. – Казань: Информационно-технологический центр АСО, 2014. – С-9.